



Греция Давлат Кенгаши, ушбу мамлакатнинг олий маъмурий суди, чорва молларини кошер ва халол сўйишни тақиқлаш хақида қарор қабул қилди, деб хабар бермоқда "Джерузале пост".

Кайд этилишича, ушбу қарор Греция хайвонларни ва аτροφ-мухитни муҳофаза қилиш Федерациясининг даъвоси бўйича қабул қилинган. Федерация Грециянинг хайвонларни огриксизлантиришни талаб қиладиган қонундан диний анъанага кўра сўйишни истисно қилган қарорни бекор қилишни талаб қилди. Натижада, давлат Кенгаши огриксизлантиришни талаб қиладиган қонун бузилган эди, деб қарор қилди. Европа яҳудийлар уюшмаси (ЕЈА) раиси раввин Менахем Марголин яҳудийларнинг диний маросимларни бажариш эркинлиги яҳудий жамоаларини химоя қилишга қасамёд қилган

муассасалар томонидан Европа бўйлаб тўғридан-тўғри ҳужум остида эканини айтиб, бу қарордан газабланганини билдирди.

Раввин кошер усули сўйиш дастлаб Бельгияда, кейин Польша ва Кипрда тақиклангани ва энди Грециянинг навбати келганини айтди.